


ХОРАЗМ ВА ХОРАЗМЛИКЛАР ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ АФСОНАЛАР.

A large, faint watermark-like graphic of interconnected blue hexagons is visible across the page.

«Ичан – Қалъа» давлат музей – қўриқхонаси

етакчи мутахасиси

Хударганова Назокат.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўрта Осиёning энг қадимий давлатларидан бири – Хоразм давлатининг пайдо бўлиши, ўтмиши, тарихи ҳақида афсона ва ривоятлар билан ёритилади.

Калит сўзлар: Хоразм, Хоразмликлар, Авесто, Сиёвуш ибн Кайковус, Беруний, Ризоқулихон, Бюрнуф, А. Вамбери, Савельев, Ёкут Хамавий, ривоят ва афсоналар.

Хоразм - илк давлатчилик пайдо бўлган Миср, Афина, Рим билан тенгдош, Буюк ипак йўлиниң марказида жойлашган, жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган Хоразмийлар, Берунийлар, Замахшарийлар ватани. Илк ёзувлар қаторида Хоразм ёзувининг ҳам борлиги, «Авесто»нинг шу юртда ёзилгани, бой моддий-маданий ёдгорликлар, буюк Хоразмшоҳлар сулолаларининг тарихи жаҳон аҳлига маълум¹.

«Хоразмликлар, - дея ҳикоя қилганди Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, - йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан, “Искандардан аввалги 980 йилдан” (яъни Селевкийлар эрасидан (Селевкийлар эраси Бобил Селввқ томонидан босиб олинган вақтдан – эрамиздан олдинги 312 йил) - янги эрадан аввалги 1292 йилдан бошлайди. Шундан кейин улар эрамиздан аввалги 1200 йилдан - «Авесто»нинг афсонавий қаҳрамони ва қадимги Ўрта Осиё-Эрон эпосининг «туркий салтанат»ни буйсундирган

¹ Комилжон Ҳудойберганов “Хоразм хонлари” Тошкент 2019 йил. 6-бет.

қаҳрамони Сиёвуш ибн Кайковус уларнинг мамлакатига келган ҳамда унинг ўғли Кайхисрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтдан бошланадиган янги эрани қабул қилди². Берунийнинг сузларига Караганда, бу сулола эрамизнинг X асрига қадар ҳукмронлик қилган. Кейинчалик, деб ҳикоя қиласи Беруний, хоразмликлар форсларнинг йил ҳисобини қабул қилдилар. Бунга кура, «йил ҳисоби» уларнинг (хоразмликларнинг) мамлакатини идора этган ва шоҳ унвонига эга булган Кайхусравлар сулоласидан чиқсан ҳар бир подшоҳ ҳукмронлик қилган йилларга қараб юритилган. Ушбу сулолага мансуб подшоҳдардан Африғ ҳукмронлигига қадар шундай бўлиб келган. Африғ, Эрон подшоҳи Яздижард (Яздигирд 1) сингари ёмон шухрат чиқарди. Ўғли мамлакатни бошқаришда унинг меросхўри бўлди.

Ривоятларга кўра, ал Фир шахри ортидаги улкан қасрни «Искандардан кейинги 616 йили» (эрамизнинг 305 йили) Африғ қурдирган эмиш; бу қасрни Селевкийлар эрасининг 1305 йилида (янги эранинг 997 йили) Амударё тошиб, бузиб кетган. Хоразмлик сиёвушийларининг қуи авлоди (бу авлодни Африғ бошлаб берган) Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилди. Африғ қурдирган қасрнинг бузилиб кетиши билан Афригийлар сулоласининг қулаши рамзий тарзда бир вақтга туғри келди.

Беруний шу сулолага мансуб 22 шоҳни санаб утади. У 305 йилдан 995 йилгача ҳукмронлик қилган бу подшоҳдардан баъзиларининг ҳукмронлик қилган йиллари туғрисида айрим хронологик маълумотлар келтиради. Ҳокимият, табиийки, отадан болага ўтиб турган ушбу сулоланинг шажараси қуидагичадир: 1) Африғ; 2) Барра (варианта - Багзот); 3) Саххасак; 4) Аскажамуқ; 1; 5) Азкажавар 1; 6) Сахр 1 ; 7) Шовуш; 8) Ҳамгари (варианти - Ҳангари ёки Ҳангири); 9) Бўзгар; 10) Арсамух (варианта - Артамух). Берунийнинг ёзишича, Арсамух Муҳаммад пайғамбар замонида, яъни янги эранинг тахминан 622 йиларида ҳукм сурган; 11) Сахр 2; 12) Сабри; 13)

² Сергей Толстов “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” Тошкент 2014 йил. 21-бет.

Азкаждар 2 (варианта- Азкаждар); 14) Аскаждамук; 2. Берунийнинг ёзишича, бу шоҳ даврида босқинчи Кутайба Хоразмни иккинчи марта босиб олган, сўнгра Аскаждамук 2ни подшоҳ қилиб тайинлаган; 15) Шовшафар; 16) Турксабоса (?); 17) Абдуллоҳ; 18) Мансур; 19) Ироқ; 20) Мухаммад; 21) Аҳмад; 22) «Жафокаш Абу Абдуллоҳ Мухаммад»; Абу Абдуллоҳ Африғ қасрини сув бузиб кетишидан бир оз аввал ўзининг қудратли рақиби - Урганч амири Маъмун ибн Мухаммад кўлида ҳалок булган³.

Хоразмнинг роли, айниқса, зардуштийлик дини ривоятларида таъкидлаб ўтилганлиги диққатга сазовор. Бундахиши ва боцща ёдгорликларда қайд қилинишича, Эроннинг дастлабки афсонавий шоҳларидан бири Йима (форс эпосида Жамшид деб ном олган) Хоразмда зардуштийликнинг энг қадимий ва энг мўътабар ўтини - коҳинлар тоифасининг ҳомийси Хурдод, Адархурра ёки Фробак ўтини ёққан. Хориж олимларидан Маркварт зардуштийликнинг илоҳий олийси Ахурамазда томонидан яратилган ва аҳоли яшаган дастлабки афсонавий ўлка - Айранемвэжо (Эронваж)ни Хоразмдан қидиради; Бартольд ва бошқа бир қанча тадқиқотчилар ҳам унинг фикрини қувватлайдилар. Афсонада бу ер энг шимолий ва совук ўлка сифатида тасвирланган. Ривоятга кўра, зардуштийликнинг асосчиси, афсонавий пайғамбар Зардушт шу ерда туғилган⁴.

Хоразм номининг келиб чиқиши тўғрисида жуда кўп ривоят, афсоналар тўқилган.

Бир ривоятда айтилишича, Шарқ ҳукмдорларидан бири исён кўтариб, подшоҳ ғазабига дучор бўлган 400 кишини қатл қилишни буюради. Доно вазир эса, подшоҳга бу ишни қилмасликни маслаҳат беради. Агар - дейди вазир, - уларни ўлдирсангиз, ҳалқ сиздан норози бўлади ва шунча кишини қатл этганингиз учун ўзингиз ҳам умр бўйи виждан азобида қоласиз. Яхшиси уларни

³ Сергей Толстов “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” Тошкент 2014 йил. 22-бет.

⁴ Сергей Толстов “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” Тошкент 2014 йил. 23-бет.

кимсасиз чўли-биёбонга бадарға қилинг. Улар ўз-ўзидан йўқолиб кетади". Подшоҳ доно вазирининг маслахатини бажаради.

Орадан йиллар ўтади, бир вақт подшоҳ шикорга чиқиб, йўли ўша чўлга тушади. Мулозимлар келиб қарашса, бадарға қилинганларнинг ҳаммаси тирик бўлиб, улар ўзларига чайлалар қуриб, балиқ овлаб кун кечирап эканлар. Уларда ўтин-чўп, чорва моллари кўп экан.

Улардан кимликларини сўраганда:

- Биз бир пайтлар бадарға қилинган, бу ерларга қувиб юборилган эдик, мана ўз меҳнатимиз билан дарёдан чўлга сув олиб келдик, боғлар барпо қилдик, кўрганингиздай уйларимиз бор, шундай яшаяпмиз, деб жавоб қилишади.

Воқеадан подшоҳни огоҳ қилишса, ҳукмдор мулозимларидан сўрабди:

- Улар юртнинг номи нима экан?
- Бу юртга ҳали ном беришмаган эканлар.
- Улар нима ейишар экан?
- Гўшт ва балиқни оловда пишириб ейишар эканлар.
- Гўштни улар нима дер эканлар?
- Хор.
- Ўтин-чўпни-чи?
- Разм.

Шунда подшо:

- Уша жойларни мен уларга бағишлидим. Буларга гўзал қизлардан келтириб беринг, уларнинг юрти "Хоразм" деб аталсин, - дея жавоб беради⁵.

⁵ Комилжон Худойберганов. "Нуруллабой мажмуаси". Урганч 2018 й. 159-бет.

"Хоразм" сўзининг маъносини олимларнинг катта кўпчилиги, "куёшли ўлка", деб аташса, "балик еювчилар", "гўшт еювчилар", ҳатто "жанговор" деювчилар ҳам бор.

Ушбу бир афсона, аммо, "ҳар қандай афсонанин тагида бир ҳақиқат бўлади", деганларидек, хоразмликлар энг кўп балиқ еювчилар саналади.

Хоразм сўзининг асл маъноси қўп баҳсларга сабаб бўлаётган муаммодир. А. Веселовский Хива хонлиги ҳақидаги бир очеркида (1877 йил) «Хоразм» сўзининг маъноси ҳақида ўзидан олдин ёзиб қолдирилган қуидаги мулоҳазаларни айтади: қадимги юононлар. Бу мамлакатни «Хоразмия» («Хурузмия») деб атаганлар. Миххат ёзуvida «Уварезмия», «Зенд-Авесто»да «Горизого»деб ёзилган: араблар «Хорарезм» (Хуворезм) деб атганлар. Хитой манбларида эса «Холи-ш-ми-кич» деб берилган. Шу тарзда А. Веселовский Хоразм сўзи ҳақидаги бир нечта фикрларни санаб ўтади. Жумладан, Ёкут ибн Абдуллоҳ фикри буйича, хавар – гушт, рез- ўтин маъноларини билдиради.

Бюрнуфнинг айтишича куари-емиш, зам ер, яъни Хоразм озиқ-овқат ёки ҳосилдор ер маъносини англатади.

А. Вамбери эса хоҳ-хоҳловчи, резм-майдон, бинобарин, «Хоразм» жанг майдони, хоҳловчилар ёки урушқоқ халқ, деган, маънони беради дейди.

Савельев қадимги форс манбалардаги «Хорез» ёки «Хорезмия»сўзига таққослаб, хор-ховар қуёш: зам-зам ер, яъни «Қуёш ери ўлкаси» ёки «Шарқ ўлкаси маъносида»

Ёкут Хамавий ўзиниг ўлмас асари «Маъжам ал-Булдон» «Мамлакатлар лугати асарида Хоразм ва унинг шахар қишлоқлари ҳақида ўз даврига нисбатан тўлиқ ва қимматли маълумотлар беради: «Хоразм бу муайян бир шаҳарнинг

номи эмас, балки ўлка номидир. Унинг катта шахри ал-Журжония деб аталади, форслар уни паст текислиқдаги мамлакат ёки пастлиқдаги ўлка деб аташган»⁶.

Қадим хоразмликлардан бир ривоят ҳануз сақланиб келади. Унда айтилишича, Ҳазрати Сулаймон пайғамбар замонида бир паризод гунох иш килиб қўйибди. Сулаймон алайҳиссалом уни жазолаш учун қўли остидаги бир мард девга “буни одам оёғи етмаган бир чўли биёбонга олиб бориб ташла” деб буюрибди. Дев бир неча кун осмонда учиб, кимсасиз Хоразм чўлига келиб қўнибди. Аммо, бу гўзал парига ошиқ бўлиб қолибди ва уни ёлғиз қолдиришни истамай, қайтиб кетиш фикридан кайтибди. Шу ерда абадий қолиб, pari билан яшай бошлабди. Уша дев ва паридан фарзандлар дунёга келибди. Эрлари девхислат, девсифат ва қизлари паричехра, парипайкар бўлишибди. "Сезган бўлсангиз, - деб ёзади, 1851 йилда Эрондан элчи бўлиб келган Ризоқулихон Ҳидоят бу афсонада Хоразм аёлларининг парирухсор ҳусну-жамолига ишора қилинмокда, аслида эса ул ўлка Жайхун дарёсига яқин бўлгани учун жуда обод бўлиб кетган ва шаҳар, қалъалар қад кўтарган"⁷.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Сергей Толстов “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” Тошкент 2014 йил.
2. Комилjon Xудойберганов “Хоразм хонлари” Тошкент 2019 йил.
3. Комилjon Xудойберганов. “Нуруллабой мажмуаси”. Урганч 2018 й.
4. Мая Хабибуллина “Хоразм ва Хоразмликлар” Одноклассники <https://m.ok.ru>

⁶ Мая Хабибуллина “Хоразм ва Хоразмликлар” Одноклассники <https://m.ok.ru>

⁷ Комилjon Xудойберганов. “Нуруллабой мажмуаси”. Урганч 2018 й. 6-бет.